

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТКУЛОВ ХУРШИД АБДУРАШИДОВИЧ**

**ПЕДАГОГЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР БЎЙИЧА КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АХБОРОТ-  
МЕТОДИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Pedagogical sciences**

**Маматкулов Хуршид Абдурашидович**

Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни  
ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш .. 3

**Маматкулов Хуршид Абдурашидович**

Совершенствование информационно-методического обеспечения  
развития профессиональной компетентности педагогов по иностранным  
языкам ..... 21

**Mamatkulov Khurshid Abdurashidovich**

Improving informational-methodological resources for developing  
professional competence in foreign languages of pedagogical  
staff..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТКУЛОВ ХУРШИД АБДУРАШИДОВИЧ**

**ПЕДАГОГЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР БЎЙИЧА КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АХБОРОТ-  
МЕТОДИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.Phd/Ped63 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))да жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Бакиева Гуландом Хисамовна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хошимова Дилдора Ўринбаевна</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Сабилова Гулноза Садиқовна</b> педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92 email: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru))

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Д.Ў.Хошимова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси в.в.б., пед.ф.д., профессор

**Н.Ж.Исакулова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, пед.ф.д., профессор

**Л.Т.Ахмедова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш ва ижтимоий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатлар билан ривожланиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Дунё тажрибасига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитишнинг илғор усулларини жорий этган ҳолда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш ҳамда фан-технологияларнинг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида мутахассислиги чет тил бўлмаган педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш учун зарур моддий-техник шарт-шароитлар яратилди. Натижада, педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминотни яратиш ҳамда ундан таълим жараёни самарадорлигини оширишда фойдаланишга эришилди. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш» ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, «мамлакатимизда таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш» юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради<sup>1</sup>.

Жаҳон амалиётида педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга доир инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилаётган бўлиб, жумладан, инглиз тилини ўқитишда ўқитувчининг касбий коммуникатив компетентлигини ривожлантириш; ўқитишда ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқувчиларнинг мавжуд ахборотлар маконида тўғри йўналиш олиши, онгли билиш кўникмалари ва мустақил ривожланиш қобилиятларини шакллантириш; глобаллашув шароитида инновация жараёнининг педагогик-психологик жиҳатлари; компетентли ёндашув асосида педагогларда хорижий тил кўникмаларининг ривожланиш даражасини диагностика қилувчи технологияларни такомиллаштириш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларида шунингдек, мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим сифатини таъминлашга доир белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, республикада таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишга доир тадқиқотлар А.Абдуллаев, А.Абдуқодиров, Б.Бегалов, У.Бегимкулов, Р.Джураев, Н.Муслимов ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган.

Мамалакатимиз таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш методикаси ва унинг илмий-назарий муаммолари Н.Авазбоев, Л.Ахмедова, Г.Бакиева, Ж.Жалолов, Ҳ.Орзикулов, Д.Тешабаева каби олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари ва педагогларнинг касбий компетентлигини шакллантириш Р.Арум, В.Беспалько, Б.Гершунский, Т.Линч, Е.Майер, А.Мур, В.Сластенин, В.Хутмакер, А.Хуторский каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоси билан боғлиқ илмий тадқиқотлар турли соҳа олимлари томонидан олиб борилган бўлса-да, ягона ахборот-методик тизимни яратиш асосида педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ва Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш

бош илмий-методик марказида амалга оширилаётган давлат илмий-техник дастури доирасида А-1-116 «Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагоглари креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш» мавзуидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш, «компетенция», «компетентлик», «касбий компетентлик», «педагогик компетентлик» тушунчаларини тизимлаштириш ва уларни тизимли ёндашув нуқтаи назаридан туркумлаш ҳамда илмий асослаш;

ахборот-методик таъминот асосида чет тилни билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш талабларини ўзлаштиришга хизмат қилувчи дифференциялашган методик ёндашувни ишлаб чиқиш;

педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожланганлик даражасини аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида мутахассислиги чет тил бўлмаган педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш жараёнининг мазмуни, шакли ва ахборот-методик таъминоти.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун математик статистика, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик кузатиш ва тажриба-синов, социометрик (тест, сўровлар ўтказиш, суҳбат), тизимли таҳлил, умумлаштириш ва эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мутахассислиги чет тил бўлмаган педагогларнинг мустақил таълимини ташкил этиш орқали инглиз тилини ўзлаштириш ва касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи дастурий платформа ва ахборот-методик таъминот мазмуни такомиллаштирилган;

мотивацион ва когнитив омилларни ҳисобга олган ҳолда педагогларнинг инглиз тилини ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот тизимидан фойдаланиш механизми такомиллаштирилган;

замонавий онлайн-технологияларини жорий этган ҳолда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиришга асосланган мустақил ўқитиш ва баҳолаш тизимлари такомиллаштирилган;

педагогларнинг касбий компетентлигини чет тилни билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш талаблари ҳамда

дифференциялашган ёндашув асосида ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳтида педагогларнинг хорижий тиллар бўйича «компетенция», «компетентлик», «касбий компетентлик» ва «педагогик компетентлик» тушунчалари тизимлаштирилган ҳамда муаллифлик ёндашуви асосида мазкур тушунчалар педагогик талқин этилган;

педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришда ахборот-методик тизимнинг ўрни, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган ҳамда илмий-назарий, услубий асослари такомиллаштирилган;

хорижий тиллар бўйича педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини яратиш орқали таълим сифати мониторинги натижаларини аниқлаш имконияти яратилган;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳтида педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришга дифференцияли ёндашув тизими амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда ахборот-методик таъминотнинг ўрни, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари очиқ берилганлиги ҳамда илмий-назарий, услубий асослари такомиллаштирилганлиги; хорижий тиллар бўйича педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ахборот-методик тизими ва дастурий платформаси ишлаб чиқилганлиги; таълим сифати натижаларини аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилишнинг услубий асослари ишлаб чиқилганлиги; таълим жараёни мониторинги ва сифатини баҳолаш орқали тингловчиларнинг хорижий тиллар бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожланишидаги тенденциялар таҳлил қилинганлиги ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш йўллари илмий жиҳатдан асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режа, дастурларини такомиллаштириш ва замонавий ёндашув асосида «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» ўқув модули мазмунини ўқув методик-таъминот асосида бойитишга, мутахассислиги чет тил



бўлмаган педагогларда хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича касбий компетентликни ривожлантиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини яратишга доир тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини оширишга доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомнинг 1-иловасига меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 5 октябрдаги 89-03-2867-сон маълумотномаси);

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 17 июлдаги 281-сон буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари мутахассислиги чет тиллар бўлмаган профессор-ўқитувчиларининг чет тил бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш дастури (минимал талаблар)»ни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 5 октябрдаги 89-03-2867-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий қилиниши олий таълим муассасалари педагог кадрларининг чет тил бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларида ички ва ташқи назоратни ягона ёндашув асосида амалга ошириш бўйича таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида ўқитиш сифатини назорат қилиш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 343-сон буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномани тайёрлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 5 октябрдаги 89-03-2867-сон маълумотномаси). Мазкур Йўриқнома қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитиш сифатини ички назоратини самарали амалга ошириш имкониятини яратган;

мутахассислиги чет тиллар бўлмаган профессор-ўқитувчиларнинг чет тилни билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш тизими бўйича В2 даражасини эгаллаши, «Cooperative learning» технологияси ёрдамида таълим жараёнини такомиллаштиришга доир таклифлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 26 июлдаги 89-03-2215-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга қўйилган замонавий талаблар асосида таълим муассасалари педагогларининг касбий маҳорат ва малакасини ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 7 та мақолалар, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг назарий таҳлили амалга оширилган. Жумладан, «компетенция», «компетентлик» тушунчаларини аниқлаш масаласи ва шунга оид психологик-педагогик адабиётлар таҳлили кўплаб хорижлик ва мамлакатимиз олимлари (Д.Равен Н.Хомский, В.И.Байденко, И.А.Зимняя, Ю.Г.Татур, А.В.Хуторский, Н.Муслимов, Т.Саттаров ва бошқ.) томонидан ўрганилган.

Буюк Британиялик машҳур психолог олим Джон Равен томонидан ушбу тушунчалар тўғрисидаги дастлабки фикрлар илгари сурилган бўлиб, у компетентликнинг хусусиятлари тўпламини ягона бир тизимга бирлаштиради ҳамда компетентликлар ҳам интеллектуал, ва эмоционал хусусият касб этган ҳолда, ўзаро алмашинувчанлик характерини «мотивациялашган қобилиятлар» асосида намоён қилишини таъкидлайди.

Мазкур тушунчаларнинг турлича талқин этилиш ҳолати Н.Хомский ва И.А.Зимняянинг ишларида ҳам кўриб чиқилган бўлиб, улар компетенция (ўз тилини гапириш ва тинглаш орқали билиш) ва уни ишлатиш (аниқ вазиятларда тилни қўллаш) ўртасида фарқланишлар мажудлиги ҳамда фақат

идеал ҳолатларда ишлатиш (қўллаш) компетенциянинг бевосита ифодаси (акси) эканлигини таъкидлаганлар.

Олиб борилган илмий изланишлар давомида «компетентлик» ва «компетенция» тушунчаларининг мазмун-моҳияти ўрганилар экан, ушбу тушунчаларнинг айнан ўхшаш, ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар сифатида қўлланилиши ҳамда бир қатор хусусиятлари билан фарқланишини қайд этиш мумкин. Тадқиқот давомида «компетенция», «компетентлик», «касбий компетентлик», «педагогик компетентлик» тушунчаларига хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан берилган таърифлар тизимлаштирилди.

Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у таълим муассасалари моддий техника базасидан бошлаб, тили ўрганилаётган халқ маданиятини ўрганиш ва ушбу тилда доимий мулоқотда бўлиб туриш шарт-шароитларига бевосита боғлиқ бўлади ҳамда бошқа йўналишдаги педагоглар касбий компетентлигини ошириш масалаларидан фарқ қилади. Айниқса, мазкур муаммони ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни беқиёс. Шу боис, педагог кадрлар ўз фаолиятларида ушбу технологияни қўллаш асосида маълумотлар устида ишлаш, таҳлил қилиш, улардан фойдаланиш бўйича маълум билим, кўникма ва малакага, яъни компетентликка эга бўлишлари лозим.

Хорижий тиллар (инглиз тили)ни ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва бунда ахборот-методик таъминот тизимининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, «Хорижий тиллар бўйича педагогнинг касбий компетентлиги – унинг хорижий тиллар бўйича касбий билим, кўникма ва малакаси, шахсий сифатлари, педагогик фаолиятда мақсад ва вазифаларни белгилаш, педагогик фаолият дастурини ишлаб чиқиш, қарор қабул қилиш, замонавий ахборот ҳамда педагогик технологияларни қўллай олиш каби профессионал тайёргарлигини белгиловчи кўрсаткичдир» – деган, таъриф берилди.

Шунингдек, тадқиқот давомида педагоглар касбий компетентлиги муаммоларини ҳал этишда хорижий давлатларнинг мазкур жараённи амалга ошириш ва ривожлантириш механизмларини ўзаро мувофиқлигини таъминлаш борасидаги ҳамда уларнинг ушбу йўналишлар бўйича олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларига доир илғор тажрибаларидан мамлакатимизда фойдаланиш, хорижлик мутахассисларнинг педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари таълим жараёнларига жалб этилишининг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Диссертациянинг **«Педагогларда касбий компетентликни ривожлантириш бўйича ахборот-методик таъминотни ишлаб чиқишга илмий-услубий ёндашув»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот натижалари асосида педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти, мазкур жараёнларни лойиҳалаштириш масалалари ёритилди ҳамда педагогларда касбий


компетентликни ривожлантириш бўйича ахборот-методик таъминот тизими ишлаб чиқилди.

Ушбу тизимга Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари ва муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларининг мутахассислиги чет тиллар бўлмаган профессор-ўқитувчиларини чет (инглиз, немис, француз ва испан) тиллар бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш дастури (минимал талаблар)» асос қилиб олинди.<sup>2</sup>

Мазкур дастур Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, профессор-ўқитувчиларнинг чет тиллар бўйича билим даражаси «Чет тилларини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш» (CEFR) тизимининг B2 даражасини эгаллашни кўзда тутади.

Мутахассислиги чет тил бўлмаган педагогларда хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича касбий компетентликни узлуксиз оширишга хизмат қилувчи тизимдан ахборотларни яратиш, сақлаш ва узатиш мақсадида фойдаланилади ва бундан мақсад – хорижий тиллар бўйича таълимнинг ягона ахборот-методик таъминотини яратиш орқали педагогларнинг мустақил таълимни ташкил этишдан иборат.

Ахборот-методик таъминот ресурсларидан фойдаланиб педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга асосланган мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши таклиф этилади (1-расм).



1-расм. Ахборот-методик таъминот орқали педагогларга мустақил таълим бериш босқичлари<sup>3</sup>


Ахборот-методик таъминот ресурсларидан фойдаланиб қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари таълим жараёнида тингловчиларнинг «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули бўйича билим ва кўникмалари баҳоланади. Малака ошириш жараёни марказида тингловчининг мустақил билим олиш фаолияти туради, яъни мустақил таълим – малака оширишнинг муқобил усули сифатида амалга оширилади.

Интернет тармоғи орқали олинadиган ахборотлар асосида тингловчилар таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик методлари ёрдамидагина уларни

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2014 йил 17 июлдаги 281-сонли буйруғи.

<sup>3</sup>Муаллиф ишланмаси

қайта ишлаши, ҳамкорликда лойиҳалар яратишда қатнашиши, ўз фикр ва мулоҳазаларини ифодалай олиши мумкин. Мазкур методик воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш инглиз тилини ўзлаштиришни янада осонлаштиради (2-расм).



2-расм. Малака оширишда мустақил таълим жараёнини ташкил этиш шакллари

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб инглиз тилини ўрганишнинг турли босқичларда технологик жараёнларни уйғунликда амалга ошириш муҳим саналади. Бунинг учун турли хилдаги моделлаштиришлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот давомида моделлаштириш натижаларини таҳлил қилиш «ҳамкорликда ўрганиш» («Cooperative Learning») технологияси бўйича ишлаш яхши самара бериши аниқланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари воситасида тингловчиларнинг инглиз тилида мулоқот қилиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш мақсадида махсус гуруҳга «Глобал иқлим ўзгариши оқибатлари» муаммосини ўрганиш таклиф қилинди.

Тингловчилар глобал муаммо объекти сифатида Орол денгизи ва Орол бўйи билан боғлиқ экологик муаммога оид мавзунини танлашди. «Оролни асрайлик» лойиҳаси видеомунозара шаклида уюштирилди. Унга кўра, турли гуруҳ вакиллари Орол бўйидаги экологик муаммоларнинг ечими ва бу борадаги қарашларини билдиришди. Видеомунозара жараёнида табиатни муҳофаза қилиш идораларига ўрганилган муаммоларнинг ечимлари акс этган тавсиялар тайёрланди. Мазкур натижаларни инобатга олиб, лойиҳалаш методи таълим жараёнида долзарб ва у мулоқот йўналишини ривожлантиради, деган хулосага келинди.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули доирасида тингловчиларнинг таълимда эришган натижалари ва машғулотларнинг ташкил этилишини баҳолаш учун турли кўрсаткичларни ўз ичига олган сўровнома ишлаб чиқилди. Ушбу метод билан тингловчиларнинг хорижий тиллар бўйича дастлабки ва курс якунидаги билим даражаларини аниқлаш, курс давомида уларнинг чет тилни ўзлаштиришлари, мазкур тилни ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиш,

мазкур жараёнда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи механизмлардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ахборот-методик таъминот ва унинг ресурслар таркиби олий таълимни замонавий модулли таълим тизимида тингловчиларнинг мустақил таълим олишини ташкил этишга қаратилган. «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули бўйича машғулотларга ажратилган вақт давомида тингловчиларга инглиз тилини ўрганиш бўйича умумий йўналишлар берилади, холос. Ушбу жараёни мумкин қадар енгиллаштириш мақсадида Интернет алоқа тизими афзалликлари асосида электрон ахборот-методик таъминот тизимидан фойдаланиш самарали натижалар беради (3-расм).




3-расм. Ахборот-методик таъминот тизими таркибий тузилмаси

Ахборот-методик таъминот платформасида ушбу тизимдан фойдаланиш бўйича тушунтиришлар йўриқнома тарзида берилган. Тингловчи ушбу йўриқнома билан танишиш орқали ахборот-методик таъминот ресурсларидан қандай фойдаланиш ва қай тарзда амалга оширилишини билиб олади. Шунингдек, тингловчи инглиз тили фани асосларини чуқур ўрганиши учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар, электрон шаклдаги инглиз тили ўқитиш методикаси бўйича ўқув-услубий мажмуалар, намунавий дастур, маъруза, семинар ва амалий машғулотларнинг мазмуни, фаннинг ўқув-услубий таъминоти ҳамда бошқа ўқув материаллари электрон кутубхона шаклида тизимлаштирилган.

Тадқиқот доирасида ўзлаштиришнинг электрон мониторинг тизими яратилди ва бу тингловчиларнинг фанлар бўйича билим ва малакаларини турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини қўллаш, уларни қўйилган дидактик талабларга мослигини назорат қилиш имкониятини беради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг тажриба-синов ишлари**» деб номланган.

Тадқиқотнинг тажриба-синов объектлари сифатида Бош илмий-методик марказ, Қорақалпоқ, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона давлат университетлари ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказлари танлаб олинган бўлиб, унда 1626 нафар тингловчилар иштирок этдилар. Инглиз тилига ўқитишнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модулидан машғулотларни кузатиш учун 16 нафар малакали педагог кадрлардан иборат экспертлар иштирокида анкета сўровлари ўтказилди. Амалга оширилган анкета сўровлари натижаларига кўра машғулот самарадорлигини аниқлашга доир барча меъзонлар бўйича кўрсаткичлар назорат гуруҳларига нисбатан тажриба гуруҳларида юқори бўлганлиги аниқланди (4-расм).




**4-расм. Педагогик тажриба-синов ишларининг умумий натижалари<sup>4</sup>**

Шунингдек, тажриба-синов ишларида ҳар бир тингловчининг машғулот давомида инглиз тили бўйича эгаллаган билимларини ассисмент натижалари ва курс якунида ўтказилган тест синовлари натижалари орқали аниқлаш имкониятларидан фойдаланилди. Тадқиқот доирасида тажриба-синов ишлари ўтказилган таълим муассасаларидаги тажриба ва назорат гуруҳлари сони 40 тадан жами 80 та бўлиб, улардаги тингловчилар сони мос равишда 814 нафар ва 812 нафарни ташкил этди.

Таълим жараёни тажриба гуруҳларида ахборот-методик таъминот ресурсларидан фойдаланилган ҳолда ва назорат гуруҳларида анъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этилди. Тадқиқот давомида назорат гуруҳларида тингловчиларнинг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, тингловчилар аксарият қисмининг тилни «ўрта» ўзлаштириш даражалари 33-58% ораликни ташкил этди. Тингловчилар 21-36% «яхши» ва 6-22% «юқори» натижаларни қайд этишди (5-расм).


<sup>4</sup>Муаллиф ишланмаси





5-расм. Назорат гуруҳлари тингловчиларининг ассисмент натижалари<sup>5</sup>

Тажриба гуруҳларида тингловчиларнинг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлили эса назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Тажриба гуруҳларида тингловчиларнинг тилни ўзлаштириш даражалари «ўрта» – 17-48%, «яхши» – 27-42% ва «юқори» – 15-40% кўрсаткичларни ташкил этганлиги аниқланди (6-расм).



6-расм. Тажриба гуруҳлари тингловчиларининг ассисмент натижалари

Тажриба ва назорат гуруҳларида таълим жараёни математик статистика усулларидадан фойдаланган ҳолда қиёсий таҳлил этилди. Тингловчилар билимларини баҳолашда 100 баллик рейтинг назорати тизими қўлланилди. Тадқиқот олиб борилган 2014-2016 йиллар таълим муассасаларида ташкил этилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули бўйича тингловчиларнинг инглиз тилини ўзлаштириш даражаларини баҳолаш мақсадида тест синовлари ўтказилди.

Математик статистика формулаларидан фойдаланиб тажриба-синов гуруҳлари тингловчилари томонидан қайд этилган балларни  $x_i$ , тингловчилар сонини  $n_i$  ва статистик эҳтимолликларни  $p_i = \frac{n_i}{N}$  билан, шунингдек, назорат гуруҳлари учун мос ҳолда  $y_i$ ,  $m_i$  ва  $q_i = \frac{m_i}{M}$  лар билан белгилаймиз. Натижада қуйидаги иккита статистик қаторлар ҳосил бўлади (1-жадвал).

<sup>5</sup>Муаллиф ишланмаси



## Тингловчиларнинг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари

Тажриба гуруҳлари тингловчиларнинг натижалари.													
$x_i$ :	40	45	50	55	60	65	70	75	80	85	90	95	100
$n_i$ :	-	-	14	25	82	75	103	91	94	104	96	86	44
$p_i$ :	-	-	0,017	0,031	0,1	0,092	0,127	0,112	0,115	0,128	0,118	0,106	0,054
Назорат гуруҳлари тингловчиларнинг натижалари.													
$y_i$ :	40	45	50	55	60	65	70	75	80	85	90	95	100
$m_i$ :	3	7	30	65	138	128	112	77	75	76	54	39	8
$q_i$ :	0,004	0,009	0,037	0,08	0,17	0,158	0,138	0,095	0,092	0,094	0,067	0,048	0,01

Кейинги навбатда, статистик қаторлар бўйича тингловчиларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳисобланди:

$$\bar{x} = \sum_i p_i x_i = 77,995 \quad (1)$$

$$\bar{y} = \sum_i q_i y_i = 71,01 \quad (2)$$

Бундан кўринадики, тажриба гуруҳлари томонидан эришилган натижалар назорат гуруҳлари натижаларидан 6,9% га юқори экан. Навбатдаги вазифа сифатида, ҳисоблаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаймиз. Бунинг учун,

$$S_x^2 = \sum_i p_i x_i^2 - (\bar{x})^2 = 167,305 \quad (3)$$

$$S_y^2 = \sum_i q_i y_i^2 - (\bar{y})^2 = 150,68 \quad (4)$$

Тажриба ва назорат гуруҳлари учун вариация коэффициенти ҳисобланади:

$$V_x = \frac{S_x}{\bar{x}} \cdot 100\% = \frac{\sqrt{167,305} \cdot 100\%}{77,995} = 16,58\% \quad (5)$$

$$V_y = \frac{S_y}{\bar{y}} \cdot 100\% = \frac{\sqrt{150,68} \cdot 100\%}{71,01} = 17,29\% \quad (6)$$

Ҳисоблаб топилган вариация коэффициенти қийматлари 30% лик кўрсаткичдан кичик бўлиб, тажриба асосида аниқланган  $\bar{x}$  ва  $\bar{y}$  ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари назарий ўрта қийматларга тахминан яқин. Яъни,  $\bar{x} \approx a_x$ ;  $\bar{y} \approx a_y$ . Кейинги босқичда стандарт усул билан назарий ўрта қийматларнинг ҳар бири учун 95% лик ишонч ораликлари ҳисобланди:

$$\bar{x} - \frac{1,96 \cdot S_x}{\sqrt{N}} \leq a_x \leq \bar{x} + \frac{1,96 \cdot S_x}{\sqrt{N}} \quad (7)$$

$$\bar{y} - \frac{1,96 \cdot S_y}{\sqrt{M}} \leq a_y \leq \bar{y} + \frac{1,96 \cdot S_y}{\sqrt{M}} \quad (8)$$

Натижада қуйидаги ифода ҳосил бўлди:

$$77,105 \leq a_x \leq 78,805 \quad (9)$$

$$70,17 \leq a_y \leq 71,85 \quad (10)$$

Ҳисоблардан кўринадики, тажриба ва назорат гуруҳларига мос келган назарий ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ўзаро кесишмайдиган (77,105; 78,805) ва (70,17; 71,85) ораликларда жойлашган. Бундан,  $a_x > a_y$ , яъни ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган гуруҳларда ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи доимо юқори бўлади, деган хулосага келдик. Энди

$F_x$  ва  $F_y$  лар орқали тажриба-синов гуруҳлари ( $x_i$  лар)га ва назорат гуруҳлари ( $y_i$  лар)га мос келган ўзлаштириш кўрсаткичлари тақсимотларини белгилаб олган ҳолда уларнинг тенглиги ҳақидаги  $H:F_x = F_y$  фаразни Пирсон мезони орқали текширдик. Бунинг учун, мос  $X_{N,M}^2$  – ( $x_i$  – квадрат) статистика ҳисобланди:

$$X_{N,M}^2 = \frac{1}{N \cdot M} \sum \frac{(n_i \cdot M - m_i \cdot N)^2}{n_i + m_i} = 10,03 \quad (11)$$

$X_i$  – квадрат мезонининг озодлик даражаси –  $\nu$  ни ҳисоблашда мавжуд бўлган 13 та қўшилувчилар: 40; 45; 50; ...100 сонидан бир бирликка кам деб олинди. Яъни,  $\nu = 13 - 1 = 12$ . Энди озодлик даражаси  $\nu = 12$  ва ишонч эҳтимоллиги  $P = 0,95$  га мос келган критик нуқта жадвалдан топилади ва  $Z_{кр}(0,95; 12) = 21$  натижа ҳосил бўлади. Бу ҳолда математик статистика усули билан тажрибада ҳисобланган қиймат критик нуқта кўрсаткичидан кичик эканлиги маълум бўлади.

$$X_{N,M}^2 = 10,03 < 21 = Z_{кр} \quad (12)$$

Бундан,  $H$  фараз нотўғри деган хулосага келиш мумкин, чунки  $F(x) \neq F(y)$  ўзаро тенг эмас. Натижаларга кўра, юқорида амалга оширилган ҳисоблашлар ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот-методик таъминот таълим ресурсларидан фойдаланиб тингловчиларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини оширишда мустақил таълимни ташкил этиш самарали эканлигини исботлади. Бундан, ташқари, 2013-2016 йиллар фаолияти ўрганилган таълим муассасаларда 4774 нафар тингловчиларнинг хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича билим даражалари тест синовлари натижалари асосида таҳлил этилди. Бунда, педагог кадрларнинг касбий фаолияти ва таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг мониторинги тасдиқланган Низом асосида амалга оширилди<sup>6</sup>.

Тадқиқот натижаларга кўра, тажриба гуруҳларида таҳсил олган педагогларнинг хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича кўрсаткичлари 6,9 % ошишига ва касбий компетентлигининг ривожланишига эришилганлиги аниқланди. Назорат гуруҳларида, барча кўрсаткичлар деярли ўзгаришсиз қолди ва ривожланиш динамикаси кузатилмади. Бу эса, ахборот-методик таъминот ресурсларидан фойдаланиш мутахассислиги чет тиллар бўлмаган тингловчиларнинг ўз устларида мустақил ишлашлари самарали ва ижобий таъсир этганлигини тасдиқлайди.

## ХУЛОСА

«Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

<sup>6</sup>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат тест марказининг 2013 йил 3 июлдаги «Олий таълим муассасаларида таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби ҳақида»ги 27/ққ, 18/ққ-сон қарори

1. Олий таълим муассалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари таълим жараёнларига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини оширишга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот тизимини яратиш педагоглар касбий фаолиятини ривожлантиришнинг зарурий шарти сифатида асосланди.

2. Тадқиқот даврида хорижий тиллар бўйича педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва уларнинг айрим жиҳатларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар мазкур йўналишлар доирасидаги қарашларни, авваламбор, мустақиллик йилларида таълим тизимини, хусусан, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим жараёнларини ташкил этишда эришилган ижобий натижаларга ҳамда илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш лозимлигини кўрсатди.

«Компетенция», «компетентлик», «касбий компетентлик», «педагогик компетентлик» тушунчаларини гуруҳлаш ва тизимлаштиришга муаллифлик ёндашуви асосланиб, чет тилларни (инглиз тили) ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хорижий тиллар бўйича педагогнинг касбий компетентлиги тушунчасига «Хорижий тиллар бўйича педагогнинг касбий компетентлиги – унинг хорижий тиллар бўйича касбий билим, малака ва кўникмаси, шахсий сифатлари, педагогик фаолиятда мақсад ва вазифаларни белгилаш, педагогик фаолият дастурини ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларини қўллаш олиш каби профессионал тайёргарлигини белгиловчи сифат кўрсаткичидир» – деган, таъриф берилди.

3. Тадқиқот давомида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларида ахборот-таълим муҳитини яратиш объектив зарурат эканлиги ҳамда дастурий ва методик таъминот орқали тингловчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишга қаратилган шарт-шароитлари, амалиётга жорий этиш босқичлари мазмунан асосланди.

4. Педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи дастурий таъминот платформаси таркиби ва тузилмаси шакллантирилди. Ушбу платформанинг тузилмасига: ягона электрон таълимий ва илмий ресурслар; мустақил таълим олиш учун зарурий ишланмалар; электрон дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуалар; видеоанжуман материаллари; ўз-ўзини назорат қилиш имкониятларини берувчи топшириқ ва тестлар мажмуи киритилганлиги ҳамда мазмунан асосланганлиги илмий тадқиқот натижаларининг таълим амалиётига тезкор татбиқ этиш имкониятини яратди.

5. Педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот ресурсларининг мазмунини такомиллаштиришда таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги муҳим дидактик хусусиятлар аниқланди:

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида таълим жараёнини ташкил этишга индивидуал, интенсив ва мақбуллаштирилган

ҳолда ёндашиш;

Ўқитиш самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантикий кетма-кетликда қўллаш.

6. Тадқиқот доирасида Бош илмий-методик марказнинг Интернет тармоғидаги [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz) портали таркибида педагог кадрларнинг мустақил таълимини ташкил этишга қаратилган электрон дастурий платформанинг яратилиши қуйидагиларга эришиш имконини берди:

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун электрон ахборот-таълим муҳити шакллантирилди;

хорижий тиллар бўйича ахборот-методик таъминотни яратишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш услубий жиҳатдан асосланди;

инглиз тилини ўрганиш бўйича мустақил таълимни ташкил этишнинг ўқув-услубий таъминоти шакллантирилди ва барча таълим муассасалари тингловчилари учун инглиз тилини мустақил ўрганиш бўйича ахборот-методик таъминот ресурслари маълумотларининг очиқлиги таъминланди.

7. Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш бўйича ахборот-методик таъминот тизими таълим жараёнининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи восита сифатида шакллантирилди ҳамда шу асосда педагоглар мустақил таълимини ташкил этишнинг методик таъминот ресурслари ва «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг мазмуни такомиллаштирилди.

8. Педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда ахборот-методик таъминотнинг ўрни, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари очиқ берилди. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таълим жараёни мониторинги ва сифатини баҳолаш орқали тингловчиларнинг хорижий тиллар бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожланишидаги тенденциялар таҳлил қилинди ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш йўллари илмий жиҳатдан асосланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илмий-тадқиқот жараёнида асослаб берилган илмий-назарий ишланмалар, амалий-услубий таклиф-тавсияларни амалиётга татбиқ қилиш олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режа, дастурларини такомиллаштириш ва таълим жараёни мазмунини ўқув методик-таъминот асосида бойитиш, ўқитиш сифати ички назоратини самарали амалга ошириш ҳамда мутахассислиги чет тиллар бўлмаган педагогларда хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича касбий компетентликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Амалга оширилган тажриба-синов ишларининг умумий натижалари шуни кўрсатадики, педагог кадрларларнинг чет тиллар бўйича компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот ресурслари таълимнинг мазкур йўналиши бўйича тингловчиларда билим, кўникма ва малакаларни оширади ҳамда чет тилларда мулоқот қилишни ривожлантиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Ped.27.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

---

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**МАМАТКУЛОВ ХУРШИД АБДУРАШИДОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-МЕТОДИЧЕСКОГО  
ОБЕСПЕЧЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ  
КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГОВ ПО ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ**

**13.00.02-Теория и методика обучения и воспитания  
(английский язык)**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Ташкент – 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.Phd/Ped63.**

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Бакиева Гуландом Хисамовна**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Хашимова Дилдора Уринбаевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Сабирова Гулноза Садиковна**  
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам.

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.27.01 при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес: 100138, г Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, дом 21 А. Тел: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за №\_\_) Адрес: 100138, г. Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, дом 21 А. тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(Реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года)

**Д.У.Хашимова**

В.и.о. председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, д. пед.н., профессор

**Н.Ж.Исакулова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д. пед.н., профессор

**Л.Т.Ахмедова**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.пед.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях происходящего в мировом сообществе процесса глобализации и информатизации еще более усилилась потребность в ускоренном внедрении в систему образования информационно-коммуникационных технологий как передовых методик обучения иностранным языкам. В соответствии с мировым опытом при обучении посредством информационно-коммуникационных технологий большого внимания заслуживает внедрение в образовательный процесс последних достижений научных технологий и повышение знаний, умений и навыков педагогов по иностранным языкам.

За годы независимости созданы необходимые материально-технические условия для развития профессиональной компетенции по иностранным языкам у педагогов, чьей специальностью не является иностранный язык. В результате разработка информационно-методического обеспечения, служащего для развития профессиональной компетентности педагогов по иностранным языкам, создает широкие возможности для подъёма системы образования на новый качественный уровень и роста ее эффективности путем активного внедрения в образовательный процесс современных технических средств обучения. В стратегии действий по развитию Узбекистана качество признано одной из приоритетных задач: «совершенствование системы непрерывного образования, повышение возможностей службы качественного образования, подготовка высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда» и повышение их конкурентно способности. А также, качество отмечено одной из преобладающих задач при осуществлении мер, направленных на конкретную цель по «строительству образовательных учреждений в стране, проведению их капитальной реконструкции, укреплению материально-технической базы посредством обеспечения современным учебно-лабораторным оборудованием, компьютерной техникой и учебно-методическими пособиями».<sup>1</sup>

В мировой практике по развитию профессиональной компетенции у педагогов по иностранным языкам ведутся научные исследования, направленные на использование информационно-коммуникативных технологий в образовательном процессе, в том числе, развитие профессиональной коммуникативной компетенции по иностранным языкам у педагогов; выбор учащимися правильного направления среди существующей информации, формирование навыков и способностей самостоятельного развития посредством использования в обучении информационно-коммуникационных и передовых педагогических технологий; педагогико-психологические особенности в условиях глобализации; на основе

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354, № 23, ст. 448, № 29, ст. 683, ст. 685, № 34, ст. 874.

компетентного освещения совершенствование технологий, диагностирующих уровень развития у педагогов языковых навыков, что является одной из основных задач.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач выдвинутых в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4732 «О мерах по совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений» от 12 июня 2015 года, № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124 «Об утверждении Государственного образовательного стандарта системы непрерывного образования» от 8 мая 2013 года, а также в других нормативно-правовых документах, направленных на обеспечение качества образования, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

